

“ИЛМДАГИ ПОРТЛАШ” ФЕНОМЕНИ: ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ

*Исақова Замирахон Рухитдиновна
фалсафа фанлари доктори (DSc), и.о. профессор*

*Наманган давлат университети, Ўзбекистон
тел: +99 891 362 89 37 e-mail: ms.zamiraxonisaqova@gmail.com*

Мирзаҳолов Нодирбек Тоҷибоевич, тадқиқотчи

*Наманган давлат университети, Ўзбекистон
тел: +998 93 949 07 19 e-mail: nodirbek_mustafa@mail.ru*

Аннотация. Мақолада ахборотлашган жамиятда “илмдаги портлаш” феномени “ҳар бир истеъдод эгаси буюк даҳо” деган тамойил асосида фалсафий-ирфоний таҳлил қилиниб, қобилият, иқтидор ва истеъдод муштараклиги инсон капиталининг илмий ижодкорлик салоҳияти диапазонида кўриб чиқилган. Интеллектуал-маънавий омил миллий бойликнинг ҳал қилувчи шарти, давлат қудратининг энг муҳим кўрсаткичи ва жамиятнинг ривожланганлик даражасининг “индиқатори” деб белгиланиб, инсон капиталига бугун берилган эътибор келажақда илм-маърифатнинг мустаҳкам пойдевори бўлиши илмий асосланган.

Калит сўзлар: илм, фалсафа, қобилият, истеъдод, иқтидор, “илмий портлаш”, ижодкорлик, илмий тараққиёт.

ФЕНОМЕН “ВЗРЫВ В НАУКЕ”: СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ

*Исақова Замирахон Рухитдиновна
доктор философских наук (DSc), и.о. профессор*

*Наманганский государственный университет, Узбекистан
тел: +99 891 362 89 37 эл.почта: ms.zamirakhonisaqova@gmail.com*

Мирзахалов Нодирбек Таджибаевич, исследователь

*Наманганский государственный университет, Узбекистан
тел: +998 93 949 07 19 e-mail: nodirbek_mustafa@mail.ru*

Аннотация. В статье социально-философски анализированы феномен “взрыва науки” в информационном обществе, исходя из принципа “каждый талантливый человек – великий гений”, общность способностей, таланта и одаренности рассматривается в рамке научно-творческого потенциала

человеческого капитала. Интеллектуально-духовный фактор определяется как решающее условие национального богатства, важнейший показатель государственной власти и “индикатор” уровня развития общества. Научно доказано, внимание уделяемое сегодня человеческому капиталу станет прочной основой знаний в будущем.

Ключевые слова: наука, философия, способности, талант, талант, “научный взрыв”, творчество, научное развитие.

THE PHENOMENON “EXPLOSION IN SCIENCE”: SOCIAL AND PHILOSOPHICAL INTERPRETATION

Isakova Zamirakhan Rukhitdinovna

Doctor of Philosophy (DSc), acting Professor

Namangan State University, Uzbekistan

tel: +99 891 362 89 37 email: ms.zamirakhonisaqova@gmail.com

Mirzakhalov Nodirbek Tadjibaevich, researcher

Namangan State University, Uzbekistan

phone: +998 93 949 07 19 e-mail: nadirbek_mustafa@mail.ru

Annotation. The article socio-philosophically analyzes the phenomenon of the “explosion of science” in the information society, based on the principle “every talented person is a great genius,” the commonality of abilities, talent and giftedness is considered within the framework of the scientific and creative potential of human capital. The intellectual and spiritual factor is defined as a decisive condition for national wealth, the most important indicator of state power and an “indicator” of the level of development of society. It has been scientifically proven that the attention paid to human capital today will become a strong basis for knowledge in the future.

Key words: science, philosophy, abilities, talent, talent, “scientific explosion”, creativity, scientific development.

Шиддат билан ўзгараётган ахборотлашган замонавий дунёда инновацион технологииларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, амалиётга жорий этиш инсон ресурсларини талаб этадики, исталган соҳада кашфиётчилик ва ижодкорлик қобилиятига эга бўлган “интеллектуал”ларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларда кўп йиллар давомида юксак технологияларга эгалик қилиш “ракобатбардошлиқ” омили деб қаралган бўлса, “эврика”га иштиёқманд “новатор”лар бу қарашларни ортда қолдирди. Зоро, инновацион технологиялар ижодкори улуғвор “интеллектуал” инсон капитали

бўлиб, уни “ақл, соғлиқ, билим, сифатли, унумли меҳнат ва самарали турмуш соҳиби” деб таърифласа бўлади.

Инновация “келажак” дегани. Буюк келажакни барпо этишни бугундан бошланса, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлаш керак¹. Фан-техника ривожланган давлатлар инсон капиталига ижтимоий-иктисодий тараққиётининг асосий мезони, муҳим бойлиги, бирламчи қимматли ресурс сифатида баҳолашларининг сабаби шунда.

Инсон капитали чуқур маънога эга бўлиб, бир сўз билан ижтимоий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариш омили, жамият, оила баркамоллиги, билимлар, “интеллектуал”лик, меҳнат воситалари бошқарувчиси, аҳоли саломатлиги, соғлом экологик муҳити, замонавий малакали мутахассисларнинг идеал намунаси, инсон ва жамият эҳтиёжларини қондириш учун истифода этиладиган билим, малака ва кўникмаларни мужассам этган “ақл эгаси”дир.

XXI асрда инсон капитали инсон, давлат, жамият, башарият тақдирини белгилайдиган мезонга айланган бўлса ҳам, унинг кўринишларини баҳолаш мураккаблиги, ягона андозанинг йўқлиги ва уни ўлчашнинг услубий қийинчиликлари бартараф этилмагани боис, инсон капиталини шакллантириш, ривожлантириш, унинг ижодий иқтидори, қобилияти ва истеъоди, инсон капиталидан манфаатдор бўлиш, уни сармоялаш аксар дунё мамлакатларининг марказий муаммолари сарасига киради.

Инсон капиталини ривожлантирмасдан инновацион тараққиётга эришилмайди. Ижтимоий-иктисодий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, янги саноат, иқтисод, молиявий технологияларни жорий қилиш, инновация-инвестиция инфратузилмасини ривожлантириш, “интеллектуал” новацияни юксалтириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, импорт ўрнини босиши, валюта заҳираларини тўплаш каби омиллар инсон капиталининг инновацион фаолияти билан боғлиқ бўлиб, мамлакатнинг чинакам иқтисодий тараққиёти учун иқтидорли мутахассислар муҳимдир. Бунинг учун “илмдаги портлаш” шарт ва зарурдир. Буни қандай тушуниш керак?

Аслида портлаш оний вақтда чегаралangan ҳажмда катта энергия ажralиб чиқиши жараёни бўлиб, илмдаги портлаш билан бевосита боғлиқлик жиҳатлари мавжуд. Қаттиқ жисмларда уларнинг емирилиши ва парчаланиши билан амалга ошади. Қиёсан айтиш ўринлики, емирилмагунча ва парчаланмагунча портлаш содир бўлмайди. Буни илмдаги портлаш билан таққосланса, ақл бовар қилмас парадокс ҳосил бўлади. Микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши сакраш орқали амалга оширилади. Илмда портлаш содир бўлиши учун эски қолиплардаги “янги” стреотиплардан бутунлай воз кечиш муҳимдир. Бугунги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга МУРОЖААТНОМАСИ. 2017 йил 22 декабрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 23.

кунда илмий аура шу даражада сиқилган, зипланган, чекланган, сохтакорлик ва кўр-кўёна кўчирмакашликка кўмилиб кетдики, саводсизларча ёзилган илмий ишланмаю монографиялар, услубий қўлланмаю илмий тадқиқот ишлари “илмдаги портлаш”ни тезлаштиришнинг асосий омили бўлмоқда.

Инсон капитали ривожланишининг асосий омиллари рақобат, сармоя ва инновация бўлиб, аҳоли яшаш даражаси ва турмуш сифатини яхшилаш, “интеллектуал” фаолиятга сармоялар киритиш орқали шакллантирилади.

Инсон капитали самарадорлик даражасига кўра, ижобий (ижодий) ва салбий инсон капитали (ҳалокатли)га бўлинади. Ижобий инсон капитали ижтимоий тизимлар ривожи, билимлар ўсиши, илм-фан такомили, аҳоли турмуш тарзи ва соғлигини яхшилаш, ахборот сифатини оширишга хизмат қиласи. Ижобий инсон капиталини Сингапур давлати юксалиши мисолида акс этганки, инсон капитали тараққиёти ва ўсиш даврида унга қўйилган инвестициянинг фойдали даромадини таъминлаган. Натижада давлат ҳам тараққий этган, жамият ҳам фаровонликка эришган, энг асосийси, инсон капитали ўзининг ҳаққоний баҳосига эга бўлган. Ижобий инсон капиталининг ижодкорлик билан алоқадорлиги Корея мисолида ёрқин ифода топганки, Корея юксалиш учун “табиий ресурслар чекланган, ижодга эса чегара йўқ” деган шиор интеллектуал потенциалнинг равнақи учун хизмат қиласи.

Салбий инсон капитали давлат иқтисодий фаровонлиги, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши, шахс ва жамият ривожига тўскенилик қиласи. Порахўрлик, масъулиятсизлик, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик аралашган муҳитда инсон капитали илмдаги “чўкиш” ҳамда “йўқотилган” сармояга айланади. Жамият элитар қатлами мамлакатни ривожлантириш сиёсати ва стратегиясини белгилагани учун ёки миллатни тараққиёт йўлига олиб чиқиши, ёки турғунлик, ёки инқирозга етаклаши салбий инсон капитали кўпайишига сабабчи бўлади. Мисол учун, таълим жараёнини инновацион ва инвестиция салоҳиятини ўзгартириш, аҳоли турмуш даражаси ва маданиятини юксалтириш учун чин маънодаги “портлаш”лар, яъни сифатий мазмундаги ислоҳотлар муҳим. Лекин ислоҳотлар ўрнини қофозбозлик, қўшиб ёзиш, ислоҳотларни замонга “мослаштириш”, юқори мансаб лавозимига саводсиз, савиясиз ва ҳар қандай ҳаром ишдан қайтмайдиган жонли “қўғирчоқ”ларни қўйиш жамиятнинг “манқурт”лашига олиб келади. Шакл ҳар қанча ўзгармасин, мазмун ўз ҳолида қолар экан, инсон капитали ўзининг ҳақиқий баҳоси ва ўрнини топмайди.

Салбий инсон капиталидан воз кечишининг оқилона йўли “интеллектуал” салоҳият, билимли ва малакали мутахассисларга бўлган талабни тўла қондиришдир. Жамият фаровонлигини таъминлаш бир тўда “ҳаромхўр”ларнинг эмас, ижодкор, илмий-технологик кашфиётларга қодир, буюк ихтиrolарни

жамият манфаати ва баҳт-саодати учун амалга оширадиган иқтидорли инсонлар қўлидадир.

Инсон капитали мамлакатнинг энг қимматли ва энг бебаҳо бойлигиdir. Мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари энг аввало мамлакатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ²лиги эътиборга олинса, таълим тизими негизида келажак авлод тақдири, давлат ва халқ манфаатлари мужассамдирки, бугунги ёшлар муаммони ўртага ташлаш, уни ҳар томонлама ўрганиш, “илмдаги портлаш”нинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатларини мушоҳада қилиш, муаммо устида мустақил фикр юритиш, муаммони ечишнинг турли имкониятларини таҳлил қилиш ва муаммони ечишнинг энг мақбул йўлини топишга қодир бўлишлари лозим. Бу муаммони иқтидор, қобилият ва истеъод муштараклиги кесимида кўриб чиқиш ғоятда муҳим.

Ҳар бир инсон табиий жиҳатдан ҳам, ижтимоий жиҳатдан ҳам бетакрордир. Табиий бетакрорлик шундан иборатки, ҳар бир инсондаги ирсий белгиларни ташувчи “ген”лар сони, турли “хромосома”лар мутаносиблиги ва бошқа ички ва зоҳирий белгилар йиғиндиси бошқа инсонда такрорланмайди. Ҳар бир инсон табиий ўзига хосликка, бетакрорликка эга. Ҳар бир инсоннинг индивидуал салоҳияти ва ақлий имкониятлари унинг қобилияти орқали намоён бўлади.

Қобилият инсоннинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг бирор ишни уddyalay олишидаги субъектив шарт-шароитларни ифодаловчи индивидуал руҳий ва жисмоний хусусиятларни қамраб олади. Одатда қўлидан бирон иш келадиган, лаёқатли шахслар “қобилиятли” деб эътироф этилади. Қобилият билимдан кескин фарқланади. Билим мутолаа натижаси бўлса, қобилият илоҳий неъматдир. Қобилият кўникма ва малакаларнинг эгалланиши жараёнида ривожланиб, такомиллашиб боради. Маҳорат қобилиятнинг амалий натижаси, муайян соҳада орттирилган моҳирлик, закийликдир.

Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва мос қобилияти, теварак олам билан муомаласи тенгдошлари орасида ўзини қандай тутиши, етакчилик хислатига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса дунёқараш – буларнинг барчаси аввало унинг туғма табиати, оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ.

Қобилият шахснинг бирор хусусиятининг ўзини эмас, балки унинг фаолиятининг талабларига жавоб бера оладиган ва муайян фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга имконият берадиган хусусиятлар

² Мирзиёев Ш. Илм-фан ютуқлари ватанимиз равнақига хизмат қилсин. Мамлакатимиз илмий жамоатининг вакиллари билан учрашувдаги нутқ. 2016 йил 30 декабрь / Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимиизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 168.

жамланмаси бўлиб, одатда, қобилиятли болалар кузатувчан, қизиқувчан, ўткир фаросатлари билан ажralиб туришади. Улардаги нарса ва ҳодисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилиш қобилияти кучли ривожланиши сабаби зеҳн билан боғлиқ.

Зеҳн муайян бир фаолиятга ёки қўп нарсаларга нисбатан ортиқча қизиқувчанликда, мойилликда, интилишда намоён бўлади. Зеҳн иштиёқ, мойиллик, меҳнатсеварлик, ишchanлик, талабчанлик каби фазилатлар маҳсулидир. Зеҳн инсоннинг идрок, фаҳм, укув, иқтидор, тушуниш қобилияти бўлса, истеъдод шахснинг маълум фаолиятида ифодаланадиган қобилиятининг юқори даражасидир. Зеҳн-заковат савияси юқори даражада ривожланган шахслар фаолиятни ўта нозик дид, донолик билан бажаради, илм-фан оламида ажабтовур янгилик яратади.

Академик қобилиятга эга бўлган болалар таълимда юқори натижаларга эришадилар. Улар қобилиятларига қараб, назарий билимларни кенг доирада, енгил ўзлаштира оладилар, ўзига хос тафаккур ва мустаҳкам хотирага эга бўладилар. Ижодий қобилият эса ёш, жинс, муҳит, мутахассислик, вақт танламайди, ижодийлик ҳар қандай ёшда ва ҳар қандай касб-корда намоён бўлаверади.

Қобилиятнинг олий даражаси истеъдод³ ва даҳоликда намоён бўладики, қобилият истеъдоднинг доясидир. Истеъдод жамиятнинг интеллектуал мулкидир. Истеъдодлилар ноёб интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ва жамият тараққиётини белгиловчи, ижтимоий қиммати зўр билимларни мукаммал эгаллашга қобил инсонлардир. Истеъдодли фарзанд ҳар қандай оилада туғилади, лекин истеъдоднинг намоён бўлиши учун тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш ва меҳнат қилиш лозим бўлади.

Истеъдод ниҳоятда зўр қобилият, муайян соҳадаги юксак даражадаги лаёқат бўлиб, инсонда идрок, тасаввур, тафаккур, хотира, кузатувчанлик бениҳоя ўсганлигига, воқеа-ҳодисаларнинг янги қирраларини, уларнинг замиридаги мураккаб алоқадорликни кашф этишда кўринади. Боланинг ёшлигидан унинг билимларни ўзлаштириши, назарий ва амалий масалаларни ҳал этиши, ижоди, ўз билими ва малакаларини турмушга татбиқ қила билишидан унинг истеъдод қирралари кашф этилади. Истеъдод ҳар кимда ҳам намоён бўлавермайди. Баъзан истеъдод инсоннинг муайян фаолиятида ўзини намоён этади, яъни билим, кўникма, малака, тажрибалар, шунингдек, қобилият ёки лаёқат ўсишига ижтимоий шароит яратилганда истеъдод юзага чиқишига имкон яратилади.

³ Истеъдод – арабча сўз бўлиб, тайёргарлик, тайёрлик, мойиллик, зўр ижодий қобилият, лаёқат, (талант) деган маъноларни англатади.

Даҳолик⁴ истеъдоднинг юксак намунаси бўлиб, даҳолар батамом янгилик ижод этиб, ўз соҳасида бетакрор йўналиш яратади.

Иқтидор⁵ инсоннинг муайян фаолият турида бошқалардан ўзининг ёрқин, очик-оидин, баъзида мислсиз ютуқлари билан ажралиб туришида акс этади. Интеллектуал иқтидор одатда маҳсус тестлар ёрдамида интеллектуал коэффициент кўринишда аниқланади. Иқтидорли болаларни бошқа болалардан ажратиб турадиган жиҳатлар қўйидагилардир:

- а) маҳсус интеллектуал тестлар бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган интеллектуал иқтидорли болалар;
- б) ижодий қобилияtlари юқори бўлган ижодий иқтидорли болалар;
- в) бирор бир соҳада, фаолият турида ютуқларга эришган талантли болалар (ёш мусиқачилар, рассомлар, математиклар, шахмат ўйинчилари);
- г) мактабда фанларни яхши ўзлаштирадиган академик қобилияtlи болалар.

Демак, иқтидор боланинг ақлий қобилиятини кўрсатади. Иқтидорли болалар ҳар қандай мураккаб муаммони осонликча ҳал қилиш, маълум масала юзасидан иккilanмай бир қарорга келиш, энг қийин вазиятда ҳам ўта аниқлик ва омилкорлик билан оқилона иш тутиш, шунингдек, воқеа-ходисаларни олдиндан кўра билиш лаёқатини намоён этадилар.

Келажак авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда⁶. Иқтидорли ёшлар юксак ақлий салоҳиятга эга бўлиб, бу уларнинг туғма истеъоди, мия имкониятлари, жўшқин фаолияти, ҳаётий тажрибаси каби ижтимоий омиллар билан белгиланади. Қобилият, истеъод ва иқтидор муштараклиги жамият тараққиёти, юрт фаровонлиги, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлади. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий ва маънавий истиқболини иқтидорли ёшларнинг илмий салоҳияти, улар томонидан амалга ошириладиган кашфиёт ва ихтиrolар белгилаб беради. “Илмдаги портлаш” мамлакат иқтидорли ёшлари орасидан Нобель мукофоти соҳиблари чиқиши учун муҳим пиллапоя бўлади.

⁴ Даҳолик – арабча сўз бўлиб, зийраклик, заковат деган маъноларни англатади. Даҳолик фавқулодда теран ақл-заковат, тенгсиз ижодий истеъоддада намоён бўлади.

⁵ Иқтидор арабча сўз бўлиб, куч-қувват, қудрат, қобилият, ҳолат, қодирлик, куч-қудрат деган маъноларни англатади.

⁶ Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида сўзланган нутқ. 2017 йил 30 июнь / Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 504-505.